O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV. №

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2004 йил, 4 декабрь, шанба № 145 (2033). Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, 4 декабря, 2004 г. № 145 (2033). В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн олтинчи сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Авваламбор, Олий Мажлисимизнинг бугунги якунловчи сессиясида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан хурсандман.

Мана, ҳаёт гардиши билан беш йиллик масофани ҳадемай сизлар билан бирга босиб ўтдик.

Аввало, мана шундай ўта мураккаб, нотинч ва таҳликали замонда эл-юртимизнинг хизматида бўлиб, аҳолимиз, халқимизни барча оғир синов ва тўфонлардан омон сақлашга муяссар бўлганимиз, иш фаолиятимизни ўтган асрда бошлаб, бугун янги, йигирма биринчи асрнинг бешинчи йилига болачақамиз билан соғ-саломат кадам қўяётганимиз учун Яратганимизга минг бор шукроналар айтишимизни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Парламентимизнинг, сиз, азиз депутатларнинг ўтган давр мобайнида, аввало қонунчилик соҳасида олиб борган фаолиятингиз нафақат бугунги кунимизнинг муаммоларини ҳал этиш, балки, лўнда қилиб айтганда, келажагимизнинг пойдеворини, эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётимизнинг тамал тошини қўйди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган беш йил тарих саҳифаларидан ўрин олган, аммо бу давр бизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, Ватанимизнинг юксалиб бориши йўлида алоҳида ўрин тутганини катта мамнуният билан қайд этамиз.

Дарҳақиқат, бу йиллар давомида Ўзбекистонимизнинг:

— сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий давлатчилигимизни қуриш;

— халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш;

— юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш;

— асл маънавий-маданий қадриятларимизни, муқаддас ислом динимиз арконларини, миллий удум ва анъаналарни тиклаш;

— демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш;

— кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам улкан, тарихий ишлар амалга оширилди.

Сизларга тақдим этилган ҳисоботда ва ҳозиргина Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг ўтган даврда парламентимиз фаолияти тўғрисида қилган маърузасида, жумладан, юзга яқин қонун ва уч юздан ортиқ қарорлар қабул қилингани, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг қиёфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва беқиёс имкониятларини очиб беришда, уларни бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, сиз, ҳурматли депутатларнинг бу борадаги кўпқиррали ишларингиз холисона таъкидланди.

Чиндан ҳам, бугун ҳаётимизнинг шиддат билан ўзгариб бораётган қайси жабҳа ва жараёнларини олмайлик, буларнинг барчасида парламентимизнинг ўрни ва таъсирини, аҳамиятини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Бугун иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий таркибий ўзгаришлар

(Давоми 2-бетда).

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

2 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000—2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов маъруза қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотларни ҳуқуқий асослаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича катта иш қилганини таъкидлади. Тарихга айланаётган бир палатали парламент Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Президент Ислом Каримов депутатлар халқнинг юксак ишончини оқлаганини қайд этди ва беш йил давомида амалга оширилган ишлар учун уларга миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари икки палатали парламентга бўлажак сайловларнинг муҳимлигини таъкидлади. Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг умумэътироф этилган меъёрлар ва талабларга мослиги синови сифатида қабул қилишимиз керак. Табиийки, бу сиёсий жараёнда қатнашаётган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар парламентда кўпроқ жой олишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ ва жамият манфаатлари, миллат бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устунлигини таъкидлади.

Сўнгра сессияда «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокининг раҳбари, Олий Мажлиснинг Демократик

(Давоми 2-бетда).

Меҳр-мурувват—олий фазилат

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар саройида Халқаро ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. Обидов истиқлолнинг илк йилларидан Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган жамиятни ислоҳ этишнинг беш асосий тамойилидан бири — халқимизни кучли ижтимоий ҳимоялаш эканини таъкидлади. Бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган ана шу йўналишнинг изчил тизими жорий қилиниб, унинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда барча фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари, жамият ҳаётида фаол қатнашишлари ҳамда ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришлари учун кенг имкон бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Меҳр ва мурувват йили» дастурида ҳам ана шу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Унга кўра жорий йилнинг ўзида ўттиз минг нафардан зиёд тиббий кўмакка муҳтож киши сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди. Юртимиздаги «Саховат», «Мурувват» уйлари, махсус мактаб-интернатлар таъмирдан чиқарилиб, беморлар учун барча қулайлик ва шароит яратилди. Мамлакатимизда беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг янги услуб ва технологиялари жорий этилаётгани ногиронлик муаммосини ҳал этишдаги чора-тадбирлар самарасини оширишда асосий омил бўлмоқда.

Анжуманда тиббий кўмакка муҳтож кишиларга вазирлик, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг совғалари — аравачалар, протез-ортопедия воситалари, дори-дармонлар топширилди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«Ўзфармсаноат»: янги қўшма корхона

Пойтахтимизда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Новофарма плюс» Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати салкам беш ярим миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, «Ўзфармсаноат» ДАК ва Кипрнинг «Калобрия Ко лимитед» компанияси унинг таъсисчиларидир.

Корхонага АҚШ, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатларнинг энг илғор фирма ва компанияларида ишлаб чиқарилган технологиялар ўрнатилган.

— Бу ерда тайёрланадиган нисбатан арзон ва сифатли дори-дармонлар замонавий тиббиётнинг халқаро андозаларига тўла жавоб беради, — дейди қўшма корхона бош директори Ойбек Хўжаев ЎзА мухбирига. — Юртимиз аҳолисига юрак-қон-томир, нафас йўли, шамоллашга ва зарарли микробларга қарши йигирма хилдаги препаратлар етказиб beramиз. Келгусида тайёр маҳсулотлар сонини бир юз элликка етказиш ҳамда экспортга чиқариш мўлжалланяпти.

Янги корхонада юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎзА мухбири.

Народный фронт освобождения Палестины (НФОП) и «Исламский джихад» заявили, что наряду с ХАМАС намерены бойкотировать выборы главы палестинской автономии, которые назначены на 9 января 2005 года. Руководство террористической организации ХАМАС офциально заявило о бойкотировании выборов, и призвало нынешнюю палестинскую администрацию отказаться от проведения выборов, создав переходное правительство в которое войдут активисты ХАМАС.

***

Японские ученые смогли получить каучук из съедобных дикорастущих грибов, которые растут в этой стране. Опыт был проведен в лаборатории университета Гунмы под руководством Хироси Митомо. По его словам, для производства 1 кг каучука нужно 10 кг грибов. При этом каучук не содержит белков, которые вызывают аллергию. Стоимость производства такого каучука дороже в 10 раз, чем его добыча из каучукового дерева или нефти.

***

Госдума приняла в третьем чтении законопроект о новом порядке избрания глав регионов России. При необходимых для принятия решения 226 голосах за проголосовали 358 депутатов, против 62 и 2 воздержались. В соответствии с документом кандидатуру губернатора утверждает региональное законодательное собрание по предоставлению президента России.

***

В американском штате Огайо умерла старейшая жительница США Верона Джонсон, которой было 114 лет. Об этом сообщила ее дочь. У Джонсон осталось четверо детей, 13 внуков и 23 правнука. Теперь старейшей жительницей США стала Бетти Уилсон — 114 лет.

***

В ходе антитеррористического рейда, связанного с визитом премьер-министра Ирака Айяда Алави, в Германии арестованы трое иракцев. Предполагается, что все они являются членами экстремистской группировки «Ансар аль-Ислам». Облавы были проведены в Берлине, Аугсбурге и Штутгарте.

***

В рамках официального визита Владимира Путина в Индию подписано более десятка документов. Президент России и премьер-министр Индии Манмохан Сингх по итогам переговоров подписали совместную декларацию.

***

Руководство американской компании «Доу Химикал» заявляет, что взяло всю ответственность за утечку токсичного газа на химическом комбинате в индийском Бхопале. Там в 1984 году погибло несколько тысяч человек. Об этом сообщил пресс-секретарь компании Джуд Финнисстерра. По его словам, по плану возмещения ущерба уже было выплачено 12 млрд. долларов компенсаций. В Индии отмечается 20-я годовщина трагедии в Бхопале.

***

Главной темой обсуждения на совете министров иностранных дел ЕС станет кризис на Украине. Об этом сообщил один из европейских дипломатов. Встреча будет проходить в Софии под эгидой ОБСЕ. На нее приедет госсекретарь США Колин Пауэлл.

***

Открытие железнодорожной ветки, связывающей аэропорт Бен-Гуриона и израильский город Модиин, отложено на полгода. Это связано с тем, что на месте маршрута железной дороги найдены захоронения византийских времен. Раскопки должны быть завершены к 2006 году. 19-километровая ветка Модиин — Бен-Гурион является частью маршрута Тель-Авив — Иерусалим.

***

Журналист британской телекомпании «Скай Ньюс» смог пробраться в запретные зоны лондонского аэропорта Хитроу. Причем делал он это неоднократно. Во время эксперимента журналист смог побывать в офисах компании «Бритиш Эйрвейз», а также походить у самолетов, которые готовились к вылету. В связи с докладом журналиста о недостатках в системе безопасности аэропорта руководство «Бритиш Эйрвейз» начало расследование.

(По страницам Интернета).

В ЧАСТЯХ И ПОДРАЗДЕЛЕНИЯХ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ ПРОХОДЯТ ПЕРВЫЕ ЗАНЯТИЯ ЗИМНЕГО ПЕРИОДА ОБУЧЕНИЯ 2004—2005 УЧЕБНОГО ГОДА ПОД ДЕВИЗОМ: «ЛЮБОВЬ К РОДНОМУ УЗБЕКИСТАНУ, ВЫСОКИЙ ПРОФЕССИОНАЛИЗМ, ПОВЫШЕНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО УРОВНЯ — ДОЛГ КАЖДОГО ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО!»

Илк кунларданоқ фаол

Жорий йилнинг кузги чақирувидан муддатли ҳарбий хизматни ўтай бошлаган оддий аскарлар — Қ. Маматов, Д. Султонов, О. Юсупов, Ж. Ҳайдаровлар янги ўқув йилининг илк машғулотларидаёқ фаолликлари билан сафдошларидан ажралишмоқда.

Номлари юқорида зикр этилган посбонлар артиллерячилар гуруҳининг илғорлари, аълочилари бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганликлари аниқ. Айнан шунинг учун уларнинг саъй-ҳаракатларида ўзига хос шижоат ва ғайрат, интилиш ва қизиқиш мавжуд. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларга ҳозирда қўйилаётган юқори талабларга доим жавоб бера олишни истовчи бу йигитлар бежизга саралар ичра сара бўлмаганликларини исботлашмоқчи. Ахир, кўпгина синов ва кўриклар натижаларига кўра айнан улар йигитлик бурчни ўташга, Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва масъулиятли номга лойиқ деб топилишган.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Бугунги курсант — эртанги офицер! Миллий армиямиз замон талаблари асосида шаклланаётган бир пайтда офицерларга Ватан, халқ юксак ишонч билан қараши. Юртимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида намунали хизматлари учун Юртбошимиз фармонига биноан «Жасорат» медалига муносиб топилган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Равшанбек Рузиев ҳам ана шундай мард ўғлонларимиздан. У ҳақдаги мақола билан газетамизнинг учинчи саҳифасида танишасиз.

„ЙИҒИН!" БУЙРУҒИ АСОСИДА

«Йиғин!» буйруғи янгради. Зудлик билан аскарлар ўринларидан туришиб, ҳарбий либосларни кийишди. Тезкорлик билан ҳар бир посбон ўзига бириктирилган жанговар қуролни олди ва казарма олдига сафланишди. «Биринчи мартага чакки эмас, лекин янада тезкорлик билан ҳаракат қилишимиз керак, шунқорлар», дея аскарларнинг руҳини кўтарди. Сафларга кузги чақирувда қўшилган ўғлонлар янги ўқув йилининг илк машғулотларидаёқ командирида ана шундай таассурот қолдирди. Батарея командири аскарларга йўл қўйилган хато, камчиликларини обдон тушунтирди. Машқ такроран бажарилганда бунинг самараси кўришди. «Муддатли ҳарбий хизматга саралаб юборилгани, бари зукко, уқувли ўғлонлар экани кўриниб турибди», деди ичида командир.

Машғулот ниҳоясига етгач, аскарлардан бир гуруҳи билан суҳбатлашдик. Уларнинг машғулотларидан олинган илк таассуротларини қоғозга туширдик.

Оддий аскар Узоқ ҚАРШИЕВ: — Янги ўқув мавсумининг дастлабки куни қўшалоқ байрам бўлди. Негаки, бу кунда ҳарбий жамоамиз ташкил топган кун ҳам нишонланди. Фахрийлар, жамоат ташкилотларидан вакиллар келиб, бизни қутладилар. Хуллас, байрамона бир руҳда машғулотларга киришдик. Дастлаб қисмимиз командири офицер Қаҳрамон Нахшибандиев ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан машғулот ўтди. Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни тушунтириб, биз посбонларнинг ундан келиб чиқадиган вазифаларини айтди. Буларни дафтаримизга конспектлаштирдик. Бундан ташқари бизга сайлов, иккинчи чақириқ Олий Мажлис ўн олтинчи сессияси борасида тезкор ахборотлар беришаяпти.

Оддий аскар Анвар МУСТАФОЕВ: — «Йиғин!» буйруғи бўйича машқ бажарганимизда ўринларимизни қандай йиғиштириш, маскировка қилиш борасида ҳам кўникмалар олдик. Баъзи сафдошларимиз белгиланган вақтдан бир оз кеч бажаришди. Аммо офицер, сержантларимиз сабоқларидан сўнг хатолар тузатилаяпти.

Оддий аскар Умид БОТИРОВ: — Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотида кўп маълумотлар олдим. Айниқса, командиримиз Афғонистондаги вазият борасида мисоллар ёрдамида тушунтирди. Террор балосининг хавфи ҳақида тўхталди.

Оддий аскар Алишер ЖУРАЕВ: — Техникага болалиқдан қизиқаман. Бизни жанговар техникалар паркига олиб боришиб машғулот ўтишди. Яъни, техника хавфсизлиги қоидалари бўйича батафсил маълумот берилди. Подполковниклар — Шерали Муҳиддинов, Ихтиёр Худойназаровлар бу борада машғулот ўтишди. Бундан ташқари қоровул хизматига борганда, жанговар қуролни қўллаш бўйича хавфсизлик талаблари ҳам атрофлича ўргатилди. Шуни англаб етдимки, хавфсизлик талабига риоя қилмаслик жанговар шайлиққа путур етказиши мумкин экан.

Бу фикрларга шуни қўшимча қилиш лозимки, аскарлар машғулотларда саволлар беришиб, фаол қатнашишга, билим, кўникмаларини кенгайтиришга интилишаяпти.

Майор Алижон САФАРОВ.

С мечтой о «голубом берете»

Еще в подростковом возрасте во мне поселилась мечта о воинской профессии десантников.

Испытаний и препятствий на пути к ней пришлось выдержать немало. Начались они еще на призывной комиссии в Мингбулакском районном отделе по делам обороны Наманганской области.

Затем были сборы новобранцев, распределение по воинским коллективам. Кто-то наделялся на получение профессии автомобилиста, кто-то хотел стать артиллеристом или зенитчиком. Ну а я сохранял надежду попасть в десант.

И вот я с радостью приступил к занятиям в своей новой армейской семье. Среди наставников, поддержавших меня, хочу поблагодарить лейтенанта Ш. Нурматова, обучавшего меня азам солдатской грамоты на сборах. Конечно, мне предстоит немало потрудиться для того, чтобы обрести право носить голубой берет, но трудности меня не пугают. Ведь со мной — мои новые боевые друзья и командиры.

Рядовой
Васледдин БОЛТАБОЕВ.

● ОБУНА—2005

„Ватанпарвар" газетаси муштарийларига

Республикамизда 2005 йил учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна давом этмоқда.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Газетамизга обуна бўлсангиз, унинг саҳифаларида доимий равишда бериб бориладиган мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, қисм ва бўлинмалар ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги мақолалар, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасидаги мунтазам лавҳалар, очерклар билан танишиб борасиз.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

«Ватанпарвар» газетасига «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг барча бўлинмаларида, шунингдек, бевосита газета нашриётида обуна бўлиш мумкин.

Обуна баҳоси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри учун алоҳида белгиланган.

Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:

абонент қутиларига эга бўлган ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:
1 ойга — 940 сўм;
6 ойга — 5640 сўм;
12 ойга — 11280 сўм.
Уй манзилига обуна бўлганда:
1 ойга — 1015 сўм;
6 ойга — 6090 сўм;
12 ойга — 12180 сўм.

Тошкент вилояти учун обуна баҳоси:
абонент қутиларига обуна бўлганда:
1 ойга — 1412 сўм 40 тийин;
6 ойга — 8474 сўм 40 тийин;
12 ойга — 16948 сўм 80 тийин.
Уй манзилига обуна бўлганда:
1 ойга — 1521 сўм;
6 ойга — 9126 сўм;
12 ойга — 18252 сўм.

«Ватанпарвар» газетасини бевосита нашриётнинг ўзидан олиб кетишни истовчи Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва шахслар обунани нашриётнинг ўзида расмийлаштиришлари мумкин.

Бу ҳолда обуна баҳоси:
1 ойга — 822 сўм;
6 ойга — 4932 сўм;
12 ойга — 9864 сўм.

Нашриёт манзили: Тошкент — 31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-ўй. Мўлжал: «Отель Гранд Мир» (собиқ «Россия» меҳмонхонаси).

Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн олтинчи сессиясидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

рўй бераётгани, экспорт ҳажми кўпайиб, молия-банк тизими мустаҳкамланаётгани, юртимизнинг чиройи очилиб, кенг кўламда катта қурилишлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, халқимизнинг реал даромадлари ва ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳўлга киритилган мана шу ютуқларнинг барчасини Олий Мажлисимиз 2000 йилдан бошлаб қабул қилган қонун ва қарорларнинг ҳаётимизга бевосита таъсири ва амалдаги намоёни, деб баҳоласак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Парламентнинг шу ўтган вақт мобайнидаги фаолияти ҳақида сўз юритганда, мамлакатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларга қарши курашда, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоялашда қонунларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлгани хусусида гапирмасдан бўлмайди.

Нафақат халқимиз, балки бутун халқаро жамоатчиликни огоҳлик ва сезгирликка, тинчлик учун курашишга чорлайдиган даъват ва баёнотлар Олий Мажлиснинг юксак минбаридан ҳам қайта-қайта янграганини, парламентнинг халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши олиб борган фаолиятини бугун яна бир бор эслаш жоиз ва ўринли, деб биламан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиёт, жумладан, мулкчилик масалалари бўйича, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш, бу борада қатъий ҳуқуқий пойдевор яратиш бўйича қабул қилинган қонунлар тараққиётимиз суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага алоҳида урғу бермоқчиман. Депутатларимизнинг фаолиятида қандай муҳим ва долзарб масалалар кўрилмасин, муҳокама қилинмасин, ана шу қонун ва қарорларнинг барчаси бугунги замон талаблари билан ҳамоҳанг эканини, улар халқаро қонунчилик андозаларига жавоб беришини, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаб қабул қилинганини алоҳида қайд этиш зарур.

Айниқса, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизда инсон манфаатларини устувор ўринга қўйишга, демократик қадриятлар одамларимизнинг тафаккурига чуқур сингиб боришига катта аҳамият бердик ва ўйлайманки, бундай йўналишлар бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Янги жамият қуриш йўлида, демократиянинг энг катта шарти ва белгиси бўлмиш ҳокимиятнинг мустақил тармоқларга бўлиниш принципи — яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ана шу андозаларга суяниб барпо этиш масалалари парламент фаолиятининг асоси ва негизини ташкил этгани эътиборга сазовор.

Шу борада сиз, ҳурматли депутатларимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонунларни, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштиришга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилганингиз, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда адолат мезонларига суяниш мақсадида қонун ва кодексларнинг қайтадан кўриб чиқилиб, уларга зарур ўзгартиришлар киритилгани, бундай ҳаракат ва қарорларимизни халқимиз ва халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Шунингдек, бугунги кунда ҳал қилувчи тармоқлардан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида тўб ислоҳотларни жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар аграр соҳани янги, замон талаб қиладиган бочқичга кўтариш, унинг самарадорлигини ошириш, шу ҳисобидан асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилганини эслаб ўтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, шу қисқа даврда парламентимизнинг, такрор айтаман, сиз муҳтарам халқ нойибларининг юртимизни янада тараққий топтириш, Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоялаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ишига ўз фаолиятингиз орқали салмоқли ҳисса қўшганингизни бугун мамлакат билан эътироф этишга барча асослар бор.

Қадрли дўстлар!

Бугун барчамиз 26 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи бор икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар нафаси ва кайфияти билан яшамоқдамиз.

Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида обрў-эътиборини юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғлиқ ҳамоҳанг эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган жараён, деб қабул қилишимиз зарур.

Такрор айтишга тўғри келади — бизларни кутаётган бўлғуси сайловлар авваламбор Конституциямиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очиқ ва ошкора, четдан ҳеч қандай тазйиқ ва таъсир ўтказмасдан, холисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт. Бунга барчамиз масъулмиз.

Кейинги уч ой давомида шу масалага бағишлаб мамлакатимизда бўлиб ўтган 7 та йирик халқаро конференция ва семинарларда 29 та, авваламбор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, шунингдек, Америка, Осиё қитъаларидаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар қатнашганининг ўзи бизнинг бу сайловларга очиқ, яъни транспарент бир шароитда тайёргарлик олиб борганимизнинг тасдиғидир.

Ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак — биз сайловларимизни ҳар томонлама демократик ва халқаро андозаларга жавоб берадиган асосда ўтказиш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини маъқул, деб ҳисоблаймиз ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида уларнинг таниқидий, шу билан бирга, холисона тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Бу масалада қандайдир қобиққа ўралиб, ҳамма нарсани ўзимиз биламиз, деб тепадан келиш, бошқаларнинг тажрибасини менсимаслик, маслаҳатига беписанд қараш каби ҳолатлар бизга номақбул эканини бутун халқаро жамоатчиликка намоён этишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг орзу-ниятимиз ва интилишимиз битта мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда сайловларимизни барча халқаро кузатувчилар билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказишдан иборат.

Барчамиз яхши биламизки, сайлов — ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоҳиш-иродасини ифода этиб, муносиб номзодни танлаш имконияти, балки бу — аввало қураш, демакдир.

Бу сиёсий жараёнда иштирок этадиган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакиллари парламентдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзаро баҳс-мунозара қилиши, қизғин тортишувлар олиб борши табиий, албатта.

Демократиянинг табиати ва моҳияти аслида шуни тақозо этади ва буни барчамиз тўғри тушунамиз. Лекин, шу билан бирга, сиёсий кураш майдонига тушган партиялар, уларнинг фаоллари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзоди кўрсатилган шахсларнинг тарафдорлари ҳар қандай вазиятда ҳам халқимиз ва жамиятимизнинг ягона манфаати, миллатимиз бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устун эканини унутмасликларини истардим.

Шу маънода, барчамиз миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчалар сайловда қатнашадиган барча сиёсий кучлар учун муштарак мақсад бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Табиийки, бу борада партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакилларининг; сайловчилар ва депутатликка номзодларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, Конституциямиз, қонунларимизни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак.

Насиб этса, сайловчилар ишонч билдирса, сизларнинг орангиздан ҳам бу қурашда ғолиб чиқиб, навбатдаги чақириқ депутатлари сайланади, деб ишонаман. Айни пайтда, янги парламент иш бошлагунча Олий Мажлисимиз ўз ваколати доирасида фаолиятини давом эттириб, ишчанлик кайфиятини сақлаб қолади, деган фикрдаман.

Мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларга Ватанимизни улуғлаш ва ҳимоялаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида қилган самарали меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдираман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, келгуси фаолиятингизда эса ютуқ ва омадлар тилайман.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси раиси Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарик, «Адолат» Ўзбекистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т. Даминов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари Қ. Тошматов сўзга чиқди.

Бу чиқишлар вақтида Президент Ислом Каримов сиёсий партиялар ва блоклар депутатлар фракциялари раҳбарлари ҳамда сессия иштирокчилари эътиборини давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича партияларнинг позициясини аниқроқ белгилаш зарурлигига қаратди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар парламентда жой учун курашиши, мамлакат олий қонунчилик органининг юксак минбаридан туриб ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигини уқтирди. Шундагина биз ҳақиқий кўппартиявийликни таъминлай оламиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000 — 2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Молия вазири С. Раҳимов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Бу ҳужжатлар муҳокамасида Элликқалъа тумани ҳокими Н. Худойбергенов, «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О. Муродов, Андижон тумани ҳокими Ҳ. Ҳакимов, Ғаллаорол тумани Тозауруғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т. Норқулов, Хатирчи тумани Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э. Қаҳҳоров, Бандихон тумани ҳокими У. Чўтбоев, «Амубухорканалқурилиш» 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Э. Ҳайдаров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафоева тақдим этди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасидан бошланди. Унда Янгибозор тумани ҳокими Э. Юсупов, Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири М. Анварова, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раиси Қ. Панжиев, Қўрғонтепа тумани «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари А. Аҳмедов қатнашди.

Олий Мажлис «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарорни қабул қилди.

Шундан кейин Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Бу ҳужжатлар юзасидан Амударё тумани ҳокими Р. Йўлдошев, Наманган давлат университети ректори Т. Файзуллаев, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош врачи М. Мамажонов, Ургут тумани ҳокими Х. Нуруллаев, «Андижонгўлтсутсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П. Мамаков, «Когонёғ» қурилаётган заводи дирекцияси директори М. Зайниев, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори Г. Боқиева ўз фикрларини билдирди.

Парламент «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунларни ва уларни жорий этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов сессия муҳокамасига ҳавола қилди.

Мазкур ҳужжат муҳокамасида парламентнинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятини таъминлаш комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш. Хўжаниёзова, Марғилон шаҳри ҳокими А. Акромов, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш. Умарова, Термиз шаҳри халқ таълими бўлими мудири Р. Каттаева қатнашди.

Олий Мажлис «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

***

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 3 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ. Жумабеков депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Қонун лойиҳаси ҳақида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари И. Сайдахмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Жуманов, Томди тумани ҳокими А. Назаров, «Шаҳрисабзконсерва» ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Н. Исмоилов ўз фикрларини билдирди.

Олий Мажлис мазкур қонун ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М. Умаралиев томонидан тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов депутатлар олдида сўзга чиқди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ахборот» дирекцияси махсус мухбири М. Обидов, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А. Матвеев, Имом Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази раиси З. Мунавваров, «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К. Отахонов, Шаҳрисабз тумани ҳокими А. Эрдонаев, «Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси К. Хўжамуротов иштирок этди.

Парламент «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафаева «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамага қўйди. Депутатлар бу қонунни маъқулладилар.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишончли мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги халқаро шартномани ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессияси Котибияти раҳбари Х. Назаровнинг фуқароларнинг парламентга мурожаатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М. Абдусаломовнинг таклифига кўра парламент Б. Мирбобоевни Конституциявий суд раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис К. Исаровни Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, Ш. Ғозиевни Олий суд судьяси этиб сайлади, З. Худойқуловни Олий суд судьяси вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси А. Ишметовнинг таклифига кўра депутатлар Ш. Мамадиёровни Олий хўжалик суди судьяси этиб сайлади.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2000—2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида омбудсман С. Рашидова ҳисобот берди. Қарши муҳандислик-иқтисод институти ректори М. Нормуродов, «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д. Тошмуҳамедова, Хатирчи тумани ҳокими Э. Турдимов, Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театри етакчи солисти М. Раззоқованинг чиқишларидан сўнг парламент ушбу ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунинг билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

● САЙЛОВ—2004

КИМГА ОВОЗ БЕРАМИЗ?

Офицер Мирзо Ашуров участка сайлов комиссияси раиси бўлган ҳарбий жамоадамиз. Қисм назорат ўтиш жойидан ўтаётгандаёқ сайлов борасидаги плакатга кўзимиз тушди. «Демак, бу жамоада ҳарбийларимизнинг мазкур сиёсий воқеага эътибори юксак», дея хулоса қиламан. Хулосам янглиш бўлмади. Қисм ҳудудига кирганингиз ҳамоно сайлов участкаси жойлашган бино сари йўналиш кўрсаткичи ўрнатилганини кўрдик. Хуллас, бу кўрсаткич бўйлаб борамиз. У бизни пештоқига кўк матода сайлов участкасини билдирувчи ёзувлари бор бинога элтди. Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Жамоа ҳарбийлари сайлов участкаси қаерда жойлашганини яхши билишади, кўрсаткич нимага керак, деган. Айтиш лозимки, сайлов куни бу ерга ҳарбий хизматчиларнинг онла аъзолари ҳам келишади-да. Уларга осон ва қулай бўлиш учун шундай йўл тутилган. Бинога кираверишдаёқ сайловга неча кун қолгани хусусидаги саволга жавоб топасиз. Хуллас, бино ичларисига кирдик. «Бизнинг номзодлар», «Сайловчилар рўйхати», «Участка ойнаси» деб номланган стендлар тайёрлаб қўйилган. Дейлик, «Участка ойнаси»дан овоз бериш тартиби, қонунчилик палатаси, сенат, сайловчининг ҳуқуқ-бурчлари, ташаббускор гуруҳлар, ишончли вакил ҳақидаги маълумотларни топасиз. Сайлов участкасига ажратилган иккинчи хонада барча қулайлик, шинамликларни кўрасиз. Телевизор, компьютер бор. Гиламлар тўшалган. «Сайловчи бурчаги» ташкил этилган бўлиб, унда сайлов қонунчилиги борасидаги адабиётлар, Президентимиз асарлари ва турли ҳуқуқий рисолалар мавжуд. Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — капитан Шуҳрат Элаглиев, котиби — майор Қаҳрамон Файзиев, аъзолар — катта лейтенант Баҳодир Турдалиев, лейтенант Дилшод Парпиевлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Улар участка сайлов комиссияси раиси билан ҳамкорликда сайлов бўйича турли тадбирлар режасини ишлаб чиқишган. Шулардан бири ёш сайловчилар бурчагини ташкил этиш бўлиб, бу аллақачон йўлга қўйилган. Ҳатто гоҳида бу ерда гавжумликни кўрасиз. Қизиғи шундаки, бу ерга турли маълумотлар олиш учун илк бор сайловда қатнашаётган аскарларимиз келишаркан. Учрашув, тадбирлар ҳам авж олган. Масалан, Ўзбекистон халқ демократик партияси вакили Улуғбек Мусаев сайлов участкасига келиб, ҳарбийларимизга бу сиёсий жараённинг моҳияти, аҳамияти хусусида атрофлича сўзлаб берган. Округ сайлов комиссиясидан Нурбек Олимов, фуқаролар йиғини раиси Сафар Худойбердиев, номзодлар ишончли вакилларидан Алижон Қўлдошевларнинг ҳарбийларимиз билан учрашуви, суҳбатлари мароқли кечганини таъкидлаш жоиз. Ватан ҳимоячилари уларга сайлов билан боғлиқ кўплаб саволлар беришди, улардан анча маълумотлар олишди. Бу ўз самарасини бераяпти. Масалан, муддатли ҳарбий хизматчилар билан бўлган савол-жавоблар буни исботлайди. Қаршилиқ олий маълумотли оддий аскар Баҳром Исмоиловга савол билан мурожаат қилдим: «Сайлов куни овоз бериш биноснинг очилиши тартиби қандай?». Жавоб қуйидагича бўлди: «Овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади». Оддий аскар Анвар Қурбондалиев эса сайловчилар рўйхати ҳамма танишиб чиқиш учун тақдим этилиш муддатини аниқ айтиб берди.

Ҳа, она-юртимиз ҳимоячилари ҳам бу улкан сиёсий воқеадан четда эмас. Ахир, Ватан келажаги, юрт равнақи йўлида масъулиятни ҳис қилишади-да. Эртанги кунимиз қандай бўлиши, ҳақ-ҳуқуқларимиз қандай кафолатланиши биз кимга овоз беришимизга, сайлов моҳиятига тушунишимизга боғлиқ. Шу маънода тилга олинган жамоада қилинаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилдим.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОҚ ФОТИҲА ОЛГАН ПОСБОН

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Шерали Эргашев ўз устида бетиним ишлайдиган, ўқиб-изланишдан чарчашни билмайдиган посбонлардан. Демак, унинг намунали ҳарбий хизматчилардан эканлигини тахмин қилиш қийин эмас.

Асли Хоразм вилоятидан бўлмиш лавҳамиз қаҳрамони сарфарзанд оиланинг кенжасидир. Лекин, уни баъзи кенжа фарзандларга ўхшаб эрка, деб ўйласангиз, адашасиз. Ғайрат ака ва Шоҳида опалар оиласидаги беш фарзанд ичра у ёлғиз ўғил. Балки, Шерзлининг жиддийлиги ва сермулоҳазалиги айнан ўша — ўғиллик масъулиятини чуқур ҳис этгани, ота-онаси ва яқинларининг билдираётган катта ишончини оқлашга қаратилган саъй-ҳаракатларидандир.

Оддий аскар Эргашевнинг десантчилар қисмида йигитлик бурчини ўтай бошлаганига ҳам мана ярим йилдан ошди. Вазифаси снайпер бўлган йигит ҳозирда, юқорида тилга олингандек, жамоа илғорларидан. Ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарлик бобида эса у айниқса, фаол.

— Айнан десантчилар қисмига тушганимдан хурсандман. Тўғрисини айтсам, шу пайтгача ўтказилган машғулотлар ичида энг ёққани ва хотирамда ўчмас из қолдиргани — парашют билан сакраш машқидир. Машқнинг назарий жиҳати ўз йўлига-ю, бироқ, ҳақиқий таассурот парашют билан сакрагачгина пайдо бўлар экан, — дейди снайпер.

Ҳа, Шерали парашют билан сакраганини кечагидек эслар экан. Ўшанда, машқни бажаришга шай ёш десантчиларни осмонга олиб чиқаётган вертолёт белгиланган баландликка кўтарилгунга қадар хоразмлик посбон устоз-офицерларининг бу борада берган барча билим ва кўрсатмаларини бир-бир ҳаёлидан ўтказди. Энг асосийси, ҳаяжонланмаслик кераклигини яхши тушунган ҳолда ўзини дадил тутишга ҳаракат қилган. Йигитнинг айтишича, оз бўлса-да қўрқув ҳисси уни айнан вертолётдан сакраш чоғида ва парвозининг илк сонияларида чулғаб олган. Таъкидлаш жоизки, илк марта бўлишига қарамай оддий аскар машқни тўғри бажарган ва ўзи сингари бир неча сафдошлари билан жамоадошларига ўрнак қилиб кўрсатилган.

Суҳбатдошимизнинг келгусидаги режалари ҳақида қизиқканимизда, у қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ота-онам ўқитувчилар. Мен ҳам уларнинг касбини танламоқчи, давом эттирмоқчи эдим. Бироқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш ниятида қилган саъй-ҳаракатларим талаба бўлишимда камлик қилди. Тўғрисини айтсам, армияга келгач, касб танлаш борасидаги фикрим ўзгарди. Қатъий тартиб-интизомга асосланган ҳарбийча ҳаёт менга тобора ёқиб бормоқда. Шундай экан, эндиликда ўзимни фаолиятнинг бошқа турида тасаввур ҳам қилолмаяпман. Албатта, бу қарорим ҳақида аввало ота-онамга айтдим. Бахтимга улар мени тўғри тушуниши ва танлаган йўлимни маъқуллаши. Энди бу ёғи ўзимга боғлиқ. Чунки, олдинда ҳали янги ўқув йили, янги мавсум бор. Уларга тайёргарликни сусайтирмаслигим керак. Акс ҳолда илғорликни қўлдан бериб қўйишим ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, волидан муҳтарамаси ва падари бузрукворининг оқ фотиҳасини олган ўғлининг бундан буёғига янада ғайрат ва шижоат билан хизмат қилиши аниқ. Ишонамизки, оддий аскар Ш. Эргашев албатта ўз мақсадига етади. Унинг бош ва асосий мақсади эса, профессионал жангчи бўлишдир.

Тўлқин ЖУМАЗАНАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● СЕРЖАНТЛАР — АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Файзулло Мустафоев командирлик қилаётган бўлинма ўзларининг янги-янги ютуқлари билан ўтган ўқув мавсуми мобайнида тез-тез тилга тушиб турди. Жамоа аъзолари бўлган шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Ихтиёр Ҳакимов, Иқбол Раимжанов ҳар қандай вазиятда бир-бирини тўғри тушуниб, зиммаларидаги масъулиятли вазифани аъло даражада адо этишлари билан ҳам жамоа ютуғини таъминлашаётир.

Бу учала профессионал посбон сержантлар тайёрлаш мактабини тугатишган. Яъни, артиллерия соҳасида замонавий билимларни эгаллашган. Айни пайтда қизғин суръатда давом этаётган ўқув йилида бу шуқорлар фаоллик кўрсатишаяпти.

Ярослав КОРУКА олган сурат.

● ВОЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ НОВОСТИ

РЕДКАЯ БАКТЕРИЯ

Как сообщает «Ассошиэйтед пресс», среди американских военных, служивших в Ираке и Афганистане, распространяется опасная инфекция. По сообщениям, в крови более ста военных обнаружена редкая бактерия, на которую не действует большинство антибиотиков и которая может вызвать бактериальный менингит. Она была обнаружена в крови 102 солдат в нескольких военных госпиталях США и в американском военном госпитале в Германии. Источник заражения пока не известен, однако большинство заболевших попали в госпитали с ранениями, полученными в Ираке и Афганистане.

РАСПОЛАГАЮТ ВОЗМОЖНОСТЯМИ

Военно-воздушные силы России располагают возможностями для уничтожения баз террористов за пределами России, сообщил журналистам главнокомандующий ВВС России генерал армии Владимир Михайлов. «В этом случае мы будем использовать все, что у нас есть», — сказал главком.

С НЕОБЪЯВЛЕННЫМ ВИЗИТОМ

Генеральный секретарь НАТО Яап де Хооп Схеффер прибыл в Ирак с необъявленным визитом. Это первая поездка генсека НАТО в эту страну после начала войны. Схеффер встретился с министром иностранных дел Ирака Хошияром Зебари, чтобы обсудить организацию тренировочной базы НАТО. Ожидается, что в офицерскую академию для обучения иракских военнослужащих прибудут около 300 военнослужащих альянса.

ПРЕКРАТЯТ ОГОНЬ ЛИШЬ...

Лидер ХАМАС в секторе Газа Махмуд аз-Захар выразил мнение, что группировка готова обсудить вопрос о прекращении атак против Израиля, чтобы дать возможность в спокойной обстановке провести президентские выборы 9 января. В то же время Захар заявил журналистам после встречи с кандидатом в президенты Махмудом Аббасом, что ХАМАС пойдет на прекращение огня лишь **в том** случае, если Израиль прекратит все вооруженные рейды на палестинских территориях.

(По страницам Интернета).

СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

АҲДИГА СОДИҚ ШУНҚОР

Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги арафасигача ҳам бу йигитни қариндош-уруғлари, маҳалладошлари ва курсдошлари яхши билишарди.

Байрам муносабати билан Президентимизнинг Фармонларига кўра, фидокорона меҳнати, эл-юртга содиқ хизмати учун кўплаб юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Ана шу мукофотланганлар орасида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти IV босқич курсанти Равшанбек Рузинов ҳам бўлиб, у «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Энди Равшанбек Рузинов номи нафақат ўз яқинлари, балки Қуролли Кучларимизда ҳам машҳурдир.

Бугунги ҳикоямиз Равшанбек хусусида.

Иўлингиз тушиб Наманган вилоятининг Норин туманига бориб қолсангиз, Норинкапа қишлоғидаги Рузиновлар хонадонига бир киринг. Раҳматали ака ҳам, у кишининг турмуш ўртоғи Одина опа ҳам сизни жуда очиқ чеҳра билан қарши олишади. Оёғингиз тагига қўй сўйишмасада, топган-тутганлари, ҳар бир ўзбек хонадони каби меҳмон учун аталган энг тансиқ таомларни сиз билан баҳам кўришади. Икки гапнинг бирида «Меҳмонжон!» дея кўнглингизни олишга ҳаракат қилишади. Ширинсўз, хушмуомала одамлар. Раҳматали ака туманда сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Одина опа уй бекаси. Уч қизи — Наргиза, Нигора, Муҳаббат ва бир ўғли, ўғли ким эканлигини англаган бўлсангиз керак, Равшанбекда, бор. Эл-юрт, болачақа, рўзгор ташвиши билан юрган ниҳоятда меҳнаткаш, оддий одамлар. Равшанбек ана шу хонадонда вояга етган, тарбияланган. Танишиб оласиз.

Раҳматали ака болаларини эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди. Шу боис ҳамиша болаларига дастурхон атрофида ҳам, ўзаро суҳбатлашганларида ҳам: «Елғиз ўзларингга эмас, кўпчиликка фойдаларинг тегадиган одам бўлинглар!» — дея уқтиришни канда қилмасди. Шукр, болалари бугун «Отангга раҳмат!» деган сўзга муносиб кўрилляпти. Ота учун бу катта мукофот.

Раҳматали ака ўғли мактабни аъло баҳолар билан битирганда: «Энди ўғлим яхши бир ўқишга ҳам кириб ол!» дея дуо қилган эди. Равшанбек ўқишга кирганини эшитганда, яна қандай ўқишга денг, ҳарбий билим юртига-я, бутун қишлоққа тўй берганди. Ўғли «Жасорат» медалини олганда вилоятдан, тумандан кўплаб кишилар муборакбод этиб эшигини қоқишди. Хурсандлиги чексиз эди, гўёки мукофотни ўғли эмас, ўзи олгандек. Аслида ҳам мукофот ота-онаники, бу яхши тарбия меваси ахир.

Оқил падарнинг доно ўгитларини Одина опа ҳам доимо қўллаб-қувватлади. Шу боис ҳам ушбу хонадонда туғилиб ўсган фарзандларнинг барчаси илм-ҳунарга чанқоқ, меҳнатсевар бўлиб вояга етмоқда. Гарчи Одина опанинг ўзи вақтида институтда ўқиёлмаган бўлса-да, фарзандларининг ўқимишли, билимдон бўлиб етишишида бор имкониятини аямади. Катта қизи Наргиза чеварлик илмини пухта эгаллаган бўлса, Нигора ўқитувчи. Бу ҳақда Равшанбек:

— Онам ўзи ўқиёлмагани учун бизнинг нуфузли даргоҳларда ўқишимизни жуда-жуда истар эдилар. Бир пайтлар ўзи учун армон бўлиб қолган орзулари рўёбини биз — фарзандларида кўришни хоҳлагандир, эҳтимол. Ҳар ҳолда, бизнинг ўқишга меҳр қўйишимизга асосий сабабчи — онам, деб биламан, — дейди.

Равшанбек тўғрисида эшитган киши кўз олдида унинг сиймоси турлича акс этади. Кимдир ўзича уни тиш-тирноғигача қуролланган моҳир жангчи тимсолида кўрса, яна кимдир осойишталик душманларининг додини бераётган азамат ўғлонни тасаввур этади. Бироқ биз у билан учрашганимизда унда самимият, меҳр ва бунёдкорлик фазилатлари кўпроқ эканини илғадик. Лекин шунинг баробарида бўлажак офицерда чинакам жангчиларга хос дадиллик ва шижоат ҳам тўла мужассам эди. Айниқса, унинг юрт осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшишдек мураккаб ва ўта масъулиятли соҳани танлагани, бу йўлда эришиб келаётган қатор муваффақиятлари бежизга нуфузли мукофотга лойиқ топилмаганини англатиб турарди.

Барча қишлоқ болалари каби ёшлиги сўлим қишлоқда, самимий ва меҳнаткаш одамлар орасида кечган Равшанбек ўрта маълумотни Норинкападаги Ҳамид Олимжон номли 40-ўрта мактабда олди. Кейин эса Наманган шаҳридаги тиллар лицейида ўқиди. Илмга чанқоқ ўғлонни бошқа фанлардан айри жанговар санъат илми доимо ўзига чорлар эди. Мактабда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси Қодир акадан дастлабки ҳарбий таълимни ўрганган Равшанбек бу соҳада жисмоний тайёргарлик ва бошқа қатор фанларнинг ҳам муҳим эканлигини англаб етди. Шу боис таҳсилни асло сусайтирмади.

Вояга етиб боргани сари унинг кўксидаги ҳарбий бўлиш орзуси ҳам кучайиб бораверди. Ва ушбу истак уни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига етаклади. Бир олам орзулар ила юксак шижоат билан олға интилган посбон ниҳоят, дастлабки муваффақиятни қўлга киритди. У курсант деган номга муносиб топилган эди.

— 2001 йилнинг 13 август санаси ҳаётимдаги энг бахтли, унутилмас кунлар сирасига киради, — дейди бу ҳақда у. — Айнан ўша куни мандат комиссияси бўлган эди ва мен ўқишга қабул қилинган эдим. Топширилган синов ва имтиҳонлар натижасини билиш учун пойтахтга ўшанда онам ҳамда опаларим ҳам келишганди. Мендан ҳам кўпроқ онам қувонганлар. Эҳ, ўша пайтдаги ҳолатимизни тасаввур қилсангиз эди! Муваффақиятдан бир-биримизни қутлаймиз. Онажоним кўзида севинч ёшлари, тили эса дуодан тинмайди. Хуллас, роса эсда қоладиган сана. Шундан сўнг бундан буёғига ҳам янада тиришқоқлик билан ўқишга аҳд қилдим. Ҳар жиҳатдан Ватан посбони деган номга муносиб бўлиб қолишга ўз-ўзимга сўз бердим.

Дарҳақиқат, Равшанбек олий билим юртида ҳам ўз тенгдошларига доимо ўрнак бўлиб келганини взвод командири катта лейтенант Умид Ботиров фахр билан сўзлаб берди:

— Курсант Равшанбек Рузиновни ўқишга қабул қилингандан буён биламан, — деди жумладан катта лейтенант. — Мана шу даврмобайнида у тиришқоқлиги, меҳнаткашлиги, фаол хизматлари билан ҳар томонлама сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Эсимда, илк бор уни ва сабоқдош дўстларини пиёдалар жанговар машинасини ҳайдаш машғулотига олиб чиқканимизда, Рузинов ҳаммадан яхши натижа кўрсатганди. Шундан буён Равшанбек жисмоний, ижтимоий-сиёсий ҳамда жанговар тайёргарлик, қурол-ярог ва техника билан ишлаш, нишонга отиш каби қатор ўқув машғулотларида аъло кўрсаткичларга эришиб келяпти. Айниқса, 100 метрга ва 3 км. га югуриш машқларида жуда яхши натижаларга эришган. Бундан ташқари у билим юрти миқёсида ўтказиладиган турли жанговар, спорт ва маънавий-маърифий тадбирларда, қувноқ билимдонлар баҳси ҳамда бошқа байрам кечаларида фаол иштирок этади. Юксак мукофот — «Жасорат» медалини у билим юрти курсантлари жанговар вазифани бажаришда иштирок этгани ва унда дадиллик, матонат ва жасурлик намуналари кўрсатгани туфайли қўлга киритди. Яъни билим юрти курсантлари шу йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари пойтахтимиз ва Бухоро вилоятида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари пайти муҳим давлат объектларини ҳушёр



туриб қўриқлашади. Айниқса, курсант Рузинов ўзига ишониб топширилган постда мардлик ва ҳушёрлик намунасини кўрсатди. Қўпорувчилик қилаётган террорчиларга қатъий зарба берди. Курсант Р. Рузинов мазкур ҳаракатда ҳар жиҳатдан Ватан ҳимоячиси деган номга содиқ эканлигини кўрсатди.

Билим юртида Равшанбек маънан ва жисмонан камол топиб жанговарлик жиҳатдан тобланиш билан бирга дунёқараши ҳам ўсди. Кўпгина ҳаётий билимлар орттирди. Шунинг баробарида ҳар нарсадан қиммат дўстлар орттирди. Ана шундай яқин дўстларидан бири, айнан ўша тадбирда Равшанбек Рузинов билан бир сафда турган ўртоғи Музроб Аҳмедов у ҳақда қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

— Биз Равшанбек билан бирга ўқиймиз. У ҳақда аввало шуни таъкидламоқчи эдимки, Равшанбек ишончли, содиқ ва фидойи дўст. Қолаверса, билимга чанқоқ курсант. Ўқишга кирганимиздан буён унинг ҳамиша энг юқори натижаларни қўлга киритиб келаётгани кузатилаяпти. Бирор ёрдам сўрагудек бўлсак, ҳеч қачон йўқ демайди. Астойдил, қўлидан келганича мадад беришга ҳаракат қилади. Мазкур фазилатлари билан у аллақачон билим юрти жамоасининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлиб улгурган. Мен ҳам дўстимнинг муваффақиятидан қувонаман ва унга янги-янги зафарлар тилаб қоламан. Сафдошларим номидан айтишим мумкинки, биз шундай дўстимиз борлигидан ҳамиша фахрланамиз.

Курсдош дўсти Отабек Ғафуров (Наманган) Равшанбек ҳақида шундай деди:

— Ҳар қандай шароитда Равшанга мурожаат қилса бўлади. Қўлидан келса ёрдамини аямайди, бўлмаса дўстона маслаҳат беради.

Яна бир курсдоши Абдурасул Ҳотамов (Бухоро) бундай фикрни баён этди:

— Мен ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, Равшандек самимий, содиқ дўст топганимдан бошим осмонда.

Курсант Илёс Бекмуродов (Бухоро) ҳам бошқалардан ортда қолишни истамади, шекилли, суҳбатга қўшилди:

— Равшанбек жуда камтар, камсуқум йигит. Лекин жуда иродали, қатъиятли. Бир сўз айтдими, албатта, сўзининг устидан чиқади.

— Курсант Равшанбек Рузинов, — дейди уни устози капитан Отабек Қодиров, — барча машғулотларда фаол иштирок этади. Илмга ниҳоятда чанқоқ. Битта муҳим жиҳати — жуда яхши тарбия кўрган, жуда одобли. Мен унинг муваффақиятларининг асоси билим ва тарбиясида деб биламан. Равшанбекнинг келажаги порлоқ.

Ёдингизда бўлса керак, Равшанбек ҳарбий олий билим юртига ўқишга кирган ойи, яъни август ойини «мен учун жуда қадрдон сана» деб таърифлаган эди. 2004 йилнинг август ойи ҳам унинг умри зарварагидан албатта, муҳим ўрин эгаллайди. Сабаби аниқ: «Жасорат» медали соҳиби бўлди.

Биз Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлиб етишаётган Равшанбекка ҳаётида ана шундай саналар кўплаб бўлишини истаб қоламиз.

Курсант Равшанбек Рузинов келажакда етук офицер бўлишга аҳд қилган. У бу аҳдига эришишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ҳозирча билим чўққиларини забт этишингда омад сенга ёр бўлсин!

Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК олган суратлар.

● 8 ДЕКАБРЬ — КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор

Конституциямизнинг 23-боби «Сайлов тизими» деб номланиб, республикамиз фуқароларининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, ўз хоҳиш-продасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган. Яқинда, яъни 26-декабрда бўлажак сайловлар туфайли Асосий Қонунимизда сайловлар тизимини демократиялаштиришга эътибор борасида қисқача тўхталиб ўтсак.

Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти, қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари Конституциямизнинг буюк ҳаётий кучини намоён қилди. У чиндан ҳам мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг юрагига, бизга давлат фаровонлиги ва қудратини оширишга йўл кўрсатувчи йўлчи юлдузга, бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан муваффақиятли олга боришимиз учун ишончли компасга айланди.

Конституция, шунингдек, Қуролли Кучларимизнинг вазифалари ва тарихий аҳамиятини белгилаб берди. Қуролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йилининг бошланиши Ўзбекистонлик жангчиларнинг ўз конституциявий бурчларига содиқ эканликларини яққол намоён этмоқда. Ўз мамлакатларининг ҳақиқий ватанпарварлари бўлмиш жангчиларимиз ўз ҳарбий касбий билимларини сабот билан такомиллаштирмоқдалар, ҳушёрликни оширмоқдалар, ҳарбий интизом ва низомий тартиботни мустаҳкамламоқдалар. Янги, 2004—2005 ўқув йили учун белгиланган жанговар ўқув шиори: **«Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир»** шиори унинг раҳбарлик ғояси бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, ушбу шиор остида улар ўзларининг жанговар такомиллашувларида янги муваффақиятларга эришадилар.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тингловчиларга шуни эслатиб ўтиш зарурки, Ватан ҳудди она сингари, нимша битта бўлади ва унга нисбатан фарзандлик бурчи — муқаддас, фарзандлик муҳаббати эса чексиздир. Бу буюк ҳиссиёт Ватан мустақил, эркин ва озод бўлганда, унинг ҳозири ва келажагини халқ ўз қўлига олганда тўлиқ намоён бўлади.

Жангчилар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида Юртбошимиз И. А. Каримов «Ватан — бу, аввало, ота-она, қадрдон ер, севимли ёр, яқинлар ва дўстлардир. Бу муқаддас тушунчалар Ватанга муҳаббат ҳиссини туғдиради. Мен шуни айтмоқчиманки, Ватанни ҳимоя қилаётганда жангчининг кўзи олдида биринчи навбатда ота-онаси, туғилиб ўсган ўлкаси, севгилиси ва яқинлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Ватанни фақат унинг ҳақиқий ўғлонлари ҳимоя қилади», деган эди...

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик — бу буюк туйғу бўлиб, у инсонда онлада, мактаб, коллеж ёки лицейда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоаси ва ҳарбий жамоада тарбияланади. У инсоннинг Ватани кучли, гуллаб-яшнаётган, қудратли қилиш учун интилишини ифодалайди ҳамда унинг ўз юртини душманларнинг ҳар қандай босқинчиликларидан кескин ҳимоя қилишга тайёрлигини белгилаб беради.

Бизнинг ватанпарварлигимиз — бу Ватанга, қадрдон еримизга, ўз халқимизга бўлган чуқур англаган муҳаббатимиздир. Бу — ўз манфаатларимиз ҳамда Ватан ва халқ манфаатларининг ажралмас эканлигини тушуниш. Бу — ўз мамлакати, унинг мустақиллик йўлида эришган ютуқлари билан фахрланиш туйғуси. Бу Ватанни ўз қони ва жонини ҳам аямасдан ҳимоя қилишга доимий шайлик ҳиссидир.

Ватанпарварлигимизга таалуқли энг характерли белгилар қайсилар?

Биринчидан, ватанпарварлигимизнинг асосий ажралиб турувчи белгиси шундаки, бизнинг мустақил Ватанга бўлган муҳаббатимиз миллий ғоямиз билан, мустақиллик ғояларига содиқлигимиз билан бирлашиб кетган. Янги жамият, келажаги буюк давлат қўра туриб, ҳар биримиз аввало Ватанимиз буюклиги, унинг қудрати ва хавфсизлиги ҳақида ўйлаймиз. Мустақилликка эришганимиздан сўнг туғилган янги Ватан туйғуси янада чуқур ва аниқ бўлиб қолди. Ватан — бу менинг Ўзбекистоним.

Иккинчидан, ватанпарварлигимизнинг характерли белгиси шундаки, мустақил Ватанга муҳаббат мустақиллик ғояларига садоқат, қадрдон ер, Ватан, халқ ва Президентга содиқлик билан чамбарчас боғланган. Бу — ватанпарварлигимизнинг қалби, унинг ҳаётий негизидир. Айнан Ватанга, халққа ва Президентга бўлган содиқлик жангчиларимизга халқаро террорчиларнинг ҳар қандай босқинчиликларига муносиб жавоб бериш ва олдиларида турган вазифаларни сифатли ҳал қилишда ёрдам беради.

Учинчидан, ватанпарварлигимизнинг муҳим белгиси шундаки, у яратувчанлик, ижодий характерга эга бўлган қудратли қучдир. Ватанимиз мустақил бўлганига эндигина ўн уч йил бўлган бўлсада, у кўплаб қаҳрамонларни берди, кўплаб ватандошларимиз, шу жумладан Қуролли Кучларимиз жангчилари ҳам Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари билан тақдирланишди.

Тўртинчидан, ватанпарварлигимиз жамиятимизнинг бирлигини. Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва халқларнинг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини акс эттиради. Ватанпарварликнинг бу белгиси ҳарбий жамоаларимизни мустаҳкамловчи, ударда ўзаро дўстлик ва ўртоқлик, жанговар қардошлик, жангда ва жанговар ўқувда ўзаро ёрдам муносабатларини тасдиқловчи куч бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, **Ватанга, халқ ва Президентга садоқат — жангчининг энг муҳим маънавий жанговар ва руҳий сифати бўлиб, у Ҳарбий қасамёд ва ҳарбий низомларда мустаҳкамланган. Қуролли Кучларнинг Ички хизмат низомида ҳарбий хизматчи «Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлиш, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий бутунлигини моҳирона, ўз қони ва жонини аямасдан ҳимоя қилиш, ўз ҳарбий бурчини бажаришга мажбурдир»,** дейилган.

Ватан ва Ватанга садоқат — ажралмас тушунчалардир. Биз — Ватан ҳимоячилари доимо шуни ёдда тутмоғимиз зарур: биз ўз қадрдон уйимизни — Ўзбекистонимизни ҳимоя қилаямиз. Ва уни доимо ўзимиз эга бўлган барча воситалар билан ҳимоя қиламиз.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, халққа ва Президентга садоқат моҳиятан жангчининг маънавий кучи мустаҳкамлиги асосини ташкил этади.

Жангчининг маънавий-жанговар ва руҳий сифатлари жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёнида шаклланади. Аммо уруш синовларига тайёргарлик, жангчи эса, маълумки, урушга тайёрланади — бу жуда мураккаб, нафақат командирларнинг, шунингдек, ҳар бир жангчининг тиришқоқлигини талаб қилувчи ишдир. Бунда, биз бир неча бор таъкидлаб ўтганимиздек, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳал этилаётган турли масалалар ичида биринчи ўринга **касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш,** ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш каби тушунчалар киради.

Юксак жанговар шайлик асосини жанговар маҳорат ташкил этади. У нимага асосланади? Ҳарбий хизматчининг юксак касбий маҳоратига. Аммо касбий маҳорат — бу шунчаки билим ва моҳирлик эмас. **Касбий маҳорат — бу ҳарбий хизматчида мавжуд бўлган билимларнинг чуқурлиги ҳамда унинг мантиқан фикрлаш ва ҳаракат қилиш қобилияти. Бу — жангчи шахсининг маънавий бойлиги ҳамда унинг Ватанга муҳаббат ва ватанпарварликка асосланган ахлоқий туйғуларининг олижаноблиги. Бу — онглилик, маънавий ва жисмоний такомиллашув, билим ва кўникмаларнинг сайқаллашуви ҳамда уларни жанговар ҳаракатларнинг энг мураккаб шароитларида қўллай билиш маҳорати бирикмасидир.**

Бурч ҳисси, ватанпарварлик, юқори руҳий қувват жангчини қаҳрамонликка етаклайди. Аммо у жангчининг қурол-ярог, ҳарбий техникани, жанговар вазиятнинг турли шароитларида ҳаракатланиш усул ва услубларини моҳирона эгаллашсиз, мустаҳкам жисмоний чиниқишсиз — яъни жангчининг жанговар маҳоратини ташкил этувчи сифатларсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбарияти, шахсан мамлакат Президенти ҳар бир ҳарбий хизматчимиз ҳар томонлама тайёрланган, касбий, интеллектуал, маънавий-продавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланган бўлиши борасида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда ҳар бир ҳарбий хизматчининг интеллектуал салоҳиятини ошириш масаласи биринчи ўринга чиқмоқда. Ана шу мақсадда жанговар тайёргарлик жараёни ахборот ва компьютер технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услублари, замонавий фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланган равишда ташкил этилмоқда.

Ички хизмат низомида ҳарбий хизматчи **«доимий равишда ҳарбий касбий билимларни эгаллаб борish, ўз кўникма ва жанговар маҳоратини такомиллаштириб боришга мажбур»,** дейилган. Ана шу талаб ортида айнан касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш, юксак жанговар маҳорат турибди. Айнан Ватанни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш бошланган 2004—2005 ўқув йилидаги жанговар ўқув шиори асосини ташкил этганлиги ҳам тасодиф эмас. Бунинг ортида кимлар бор ва унга нималар киради?

Биринчи, Ҳарбий хизматчининг юксак ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, унинг минтақа ва жаҳондаги ҳарбий сиёсий вазиятни чуқур билиши ҳамда ундан тўғри амалий хулосалар чиқара олиш маҳорати.

Иккинчи. Жанговар техника ва қурол-яроғларни чуқур билиш. Техникада ишлаш, уни жанговар қўллашга тайёрлаш, унга хизмат кўрсатиш ва кундалик ишларни бажариш борасида мустаҳкам кўникмаларнинг мавжудлиги. Мустақил равишда ёки расчёт, экипаж таркибида дала ва айниқса, жанговар шароитларда техникага етказилган шикастларни бартараф қила олиш маҳорати.

Учинчи. Нафақат ўз мутахассислигини, шунингдек, бошқа ўхшаш мутахассисликларни ҳам мукаммал эгаллаш. Экипаж, расчёт, бўлинмада ўзаро бир-бирини алмаштиришда ўз мажбуриятларини ишонч ва дадиллик билан бажариш.

Тўртинчи. Ҳақиқий жангга максимал яқинлаштирилган шароитларда қалқон ва айниқса жанговар тажрибаларга таянган ҳолда ишонч билан ҳаракат қилиш. Душманни, унинг қуроллари, ҳаракатланиш тактикасини, унинг мафкураси ва руҳий тайёргарлигини мукаммал билиш.

Бешинчи. Юксак маънавий-руҳий тайёргарликка эга бўлиш. Доимий равишда ўзида кучли ирода, мардлик, матонат ва жасурлик, мустаҳкам жисмонан чиниқиш ва чидамлиликни шакллантириш, жангда ташаббус кўрсатиш, жанговар ўртоқликни мустаҳкамлаш. Жанговар техникада ишлашда нормативларни қисқартиришга эришиш. Тунги шароитларда, тоғ ва чўл жойларида, аҳоли пунктларида моҳирона ҳаракатланиш.

Олтинчи. Ҳушёр бўлиш, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматни намунали олиб бориш.

Еттинчи. Интизомли бўлиш, Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш. Важарувчанлик ва бўйсуниш — бу ҳарбий хизматчининг қалби эканлигини доимо ёдда тутиш. Аниқлик, уюшқоқлик, жиддий, буйруқлар, усуллар ёки вазифалар бажарилишининг тезлиги ва аниқлиги ҳарбий хизматчининг шахсий интизомлилигига тўла боғлиқ бўлади. Интизомлилик — жангчининг энг муҳим маънавий-жанговар ва руҳий сифатидир. Ўзида юксак интизомли жангчи сифатларини, ҳарбий низомлар талабларига касбий ҳурматни доимий равишда тарбиялаб бориш, ҳушёр ва огоҳ, доимо жанговар шай ҳолатда бўлиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбуриятидир.

Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир! Бу бугунги кунда бизнинг асосий раҳбарлик ғоямиз, дастуримиз бўлиб, уни ҳозирда Қуролли Кучлар сафларида муносиб хизмат ўтаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи чуқур англаши лозим. Бу юксак туйғу ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олиши, ҳаётимиз ва мустақил Ватанимиз муқаддас сарҳадларини ҳимоя қилиш бўйича кундалик фаолиятимизнинг мазмунига айланмоғи лозим.

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш—ҳар бир хизматчининг бурчидир

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 15—16 декабрь кунлари Мудофаа вазирлигининг барча қисм ва бўлинмаларида «Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилди.

Мазкур мавзуни ўрганиш ҳар бир ҳарбий хизматчи томонидан мамлакат мустақиллиги, унинг ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш бўйича Ватан ва халқ олдидаги ўз ватанпарварлик бурчини англаб олишларида, шунингдек юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириб бориш ва мустаҳкам ҳарбий интизомнинг нақадар муҳимлигини чуқур тушуниб олишларида ёрдам беради.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, Ватанга содиқ бўлиш — ҳарбий хизматчининг муҳим маънавий-жанговар ва руҳий сифатидир.

2. Ҳарбий касбий билимларни доимо эгаллаб бориш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, интизомли бўлиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи.

Қисқача **кириш сўзида** шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, шу кунларда мамлакатимиз аҳли Конституциямизнинг 12 йиллик айёмини нишонлаш арафасида, байрам кайфиятидадир. Конституция барчамиз учун алоҳида аҳамиятга эга. У ижтимоий ҳаётимизнинг, барча томонларини ислоҳ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. У мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг, фуқароларо ва миллатлараро тотувликнинг, Ўзбекистон халқларининг дўстлиги ва бирдамлигининг муҳим пойдевори ва манбанга айланди. Конституциямиз ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш учун мустаҳкам асос бўлди. Унинг асосида бугунги кунда мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон халқи Олий Мажлис томонидан қабул қилинган янги қонунлар асосида Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари Конституциямизнинг буюк ҳаётий кучини намоён қилди. У чиндан ҳам мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг юрагига, бизга давлат фаровонлиги ва қудратини оширишга йўл кўрсатувчи йўлчи юлдузга, бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан муваффақиятли олга боришимиз учун ишончли компасга айланди.

Конституция, шунингдек, Қуролли Кучларимизнинг вазифалари ва тарихий аҳамиятини белгилаб берди. Қуролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йилининг бошланиши Ўзбекистонлик жангчиларнинг ўз конституциявий бурчларига содиқ эканликларини яққол намоён этмоқда. Ўз мамлакатларининг ҳақиқий ватанпарварлари бўлмиш жангчиларимиз ўз ҳарбий касбий билимларини сабот билан такомиллаштирмоқдалар, ҳушёрликни оширмоқдалар, ҳарбий интизом ва низомий тартиботни мустаҳкамламоқдалар. Янги, 2004—2005 ўқув йили учун белгиланган жанговар ўқув шиори: **«Жонажон Ўзбекистонни севиб ардоқлаш, юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳиятни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир»** шиори унинг раҳбарлик ғояси бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, ушбу шиор остида улар ўзларининг жанговар такомиллашувларида янги муваффақиятларга эришадилар.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тингловчиларга шуни эслатиб ўтиш зарурки, Ватан ҳудди она сингари, нимша битта бўлади ва унга нисбатан фарзандлик бурчи — муқаддас, фарзандлик муҳаббати эса чексиздир. Бу буюк ҳиссиёт Ватан мустақил, эркин ва озод бўлганда, унинг ҳозири ва келажагини халқ ўз қўлига олганда тўлиқ намоён бўлади.

Жангчилар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида Юртбошимиз И. А. Каримов «Ватан — бу, аввало, ота-она, қадрдон ер, севимли ёр, яқинлар ва дўстлардир. Бу муқаддас тушунчалар Ватанга муҳаббат ҳиссини туғдиради. Мен шуни айтмоқчиманки, Ватанни ҳимоя қилаётганда жангчининг кўзи олдида биринчи навбатда ота-онаси, туғилиб ўсган ўлкаси, севгилиси ва яқинлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Ватанни фақат унинг ҳақиқий ўғлонлари ҳимоя қилади», деган эди...

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик — бу буюк туйғу бўлиб, у инсонда онлада, мактаб, коллеж ёки лицейда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоаси ва ҳарбий жамоада тарбияланади. У инсоннинг Ватани кучли, гуллаб-яшнаётган, қудратли қилиш учун интилишини ифодалайди ҳамда унинг ўз юртини душманларнинг ҳар қандай босқинчиликларидан кескин ҳимоя қилишга тайёрлигини белгилаб беради.

Бизнинг ватанпарварлигимиз — бу Ватанга, қадрдон еримизга, ўз халқимизга бўлган чуқур англаган муҳаббатимиздир. Бу — ўз манфаатларимиз ҳамда Ватан ва халқ манфаатларининг ажралмас эканлигини тушуниш. Бу — ўз мамлакати, унинг мустақиллик йўлида эришган ютуқлари билан фахрланиш туйғуси. Бу Ватанни ўз қони ва жонини ҳам аямасдан ҳимоя қилишга доимий шайлик ҳиссидир.

Ватанпарварлигимизга таалуқли энг характерли белгилар қайсилар?

Биринчидан, ватанпарварлигимизнинг асосий ажралиб турувчи белгиси шундаки, бизнинг мустақил Ватанга бўлган муҳаббатимиз миллий ғоямиз билан, мустақиллик ғояларига содиқлигимиз билан бирлашиб кетган. Янги жамият, келажаги буюк давлат қўра туриб, ҳар биримиз аввало Ватанимиз буюклиги, унинг қудрати ва хавфсизлиги ҳақида ўйлаймиз. Мустақилликка эришганимиздан сўнг туғилган янги Ватан туйғуси янада чуқур ва аниқ бўлиб қолди. Ватан — бу менинг Ўзбекистоним.

Иккинчидан, ватанпарварлигимизнинг характерли белгиси шундаки, мустақил Ватанга муҳаббат мустақиллик ғояларига садоқат, қадрдон ер, Ватан, халқ ва Президентга содиқлик билан чамбарчас боғланган. Бу — ватанпарварлигимизнинг қалби, унинг ҳаётий негизидир. Айнан Ватанга, халққа ва Президентга бўлган содиқлик жангчиларимизга халқаро террорчиларнинг ҳар қандай босқинчиликларига муносиб жавоб бериш ва олдиларида турган вазифаларни сифатли ҳал қилишда ёрдам беради.

Учинчидан, ватанпарварлигимизнинг муҳим белгиси шундаки, у яратувчанлик, ижодий характерга эга бўлган қудратли қучдир. Ватанимиз мустақил бўлганига эндигина ўн уч йил бўлган бўлсада, у кўплаб қаҳрамонларни берди, кўплаб ватандошларимиз, шу жумладан Қуролли Кучларимиз жангчилари ҳам Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари билан тақдирланишди.

Тўртинчидан, ватанпарварлигимиз жамиятимизнинг бирлигини. Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва халқларнинг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини акс эттиради. Ватанпарварликнинг бу белгиси ҳарбий жамоаларимизни мустаҳкамловчи, ударда ўзаро дўстлик ва ўртоқлик, жанговар қардошлик, жангда ва жанговар ўқувда ўзаро ёрдам муносабатларини тасдиқловчи куч бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, **Ватанга, халқ ва Президентга садоқат — жангчининг энг муҳим маънавий жанговар ва руҳий сифати бўлиб, у Ҳарбий қасамёд

ШАНБА САҲИФАСИ

● ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Кейинги надомат

Бетоблигим туфайли касалхонада ётиб даволанишимга тўғри келди. Мени илиққина кутиб олган ҳамшира қиз кичикроқ бир хонага жойлаштирди. Ҳамхонам ёши элликларга яқин, юзлари тиниқ, қорачадан келган аёл эди. Унинг бошидаги рўмоли ўзига бирам ярашган, овози ёқимли, хушрўйлиги беихтиёр эътиборни тортарди. Бир пасда танишиб ҳам олдик. Исми Обида опалигини, бир неча йилдан буён даволанишига қарамасдан, шифо топа олмаётганини билиб олдим. Ундан ўғли ва қизи доим хабар олар, бошқа бирор киши келмасди. Обида опадан яқинлари, қариндош-уруғлари ҳақида сўрашдан ийманардим. Орадан уч кун ўтар-ўтмас у шифокордан жавоб сўраб, уйига қайтишни илтимос қилди. Мен эса ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Холажон, ҳали яхши бўлганингиз йўқ-ку, нега шошиласиз, дард берган Худо давосини ҳам беради, дейдилар. Ҳеч кўнглингизни чўктирманг, албатта шифо топиб кетасиз.

Обида опа беихтиёр кўзига ёш олди, ўксиниб-ўксиниб йиғлай бошлади.

— Эй, қизим, ичим тўла дард, қайси бирини айтай. Ўз онамни норози қилган, унинг қарғишини олган бандаман, шу сабаб ҳеч қачон тузалмайман, — дея мунгли бир қиёфада менга боқди ва сукутга кетди.

Аёлни илондек чирмаб олган дарди сабабини сўрашга ботинолмадим. У бир оз тин олиб, юрагини оча бошлади:

— Беш йилдирки, аҳволим шу. Бошимизга не кўргилик тушса, Худодан биламиз. Ўзимиз, феъл-ларимиз, тилимиз сабабчи эканини тан олгимиз келмайди. Қўлимиз пул кўрса, босар-тусаримизни билмай қоламиз. Тижоратни бошладиму ишларим юришиб кетди. Олдинига шаҳардан уй сотиб олдик. Кейин эса қўша-қўша машиналар бўлдик. Пул дегани оқиб кела бошлади. Ҳамма олдисотди ишлар билан ўзим шуғулланардим. Эрим эса оддий ҳайдовчи бўлиб ишларди. Ўзи онамнинг энг эрка қизи эдим. Бошқа опа-сингилларимга қараганда онам мени жуда яхши кўрар, тез-тез хабар олиб турардилар. Ўғил уйлантирдим, қиз чиқардим. Ташвишларим эса кундан-кунга ошиб борар, ҳатто онамдан хабар олишга ҳам вақт топмасдим. Очиғи, онамнинг уйидан, эски шолча-кўрпачаларидан жирканардим. Укаларим, сингилларимдан ҳам совий бошладим, тўй-маъракаларига ҳам ярим соатга бориб келардим, холос.

Онам бизникига келиб қувонарди, дастурхонга юз хил нозу неъматлар тўкиб ташлардим. Аммо, ёнларида бир зум ўтирмасдим. Тонгдан ярим тунгача пул илинжида юрардим. Онам эса мени кутиб-кутиб, охири, ўзининг тор ҳовлисига шошарди. У кишини яхши кўрардиму, ёнида ўтирсам бадбўй ҳид келарди. Қариганига қарамасдан молларга қарар, келиниларга ёрдамлашар эди.

Бир куни онам билан катта укам кечқурун кириб келишди. Уларнинг бевақт ташрифига ҳайрон бўлиб кутиб олдим. Онам укам тўй бошлаганини, шунга қарз сўраб келишганини айтди. Буни эшитдиму бошим гувлаб кетди. Пул бор, юз минг дегани менга чўт эмасди, лекин рости, бировга қарз бергим келмасди.

— Беролмайман, пулим йўқ! — дедим қатъий қилиб.

Онам эса:

— Ой қизим, жон қизим, мен учун берақол. Аввало сенникини тўёна пуллардан қайтараман. Ҳеч бўлмаса, сигиримни сотиб бераман,— деб илтижо қилдилар. Мен без бўлиб туравердим. Онам билан укам норози бўлиб чиқиб кетишди. Кейин эшитдим. Бегоналардан қарз олиб, тўй қилишибди. Онам набира келин туширибдилар. Тўйга боришга, тўғриси, ботина олмадим. Мен юборган тўёна гиламни эса қайтариб юборишди. Шунда ҳам кўзим очилмабди, чуқурроқ ўйлаб кўрмабман ҳам. «Сизлар киму, мен кимман?» деб, бойлик орттириш қўйида юраверибман.

Орадан бир йил ўтди. Борди-келдимиз йўқолди. Улар ҳам келишмади. Мен ҳам уларга бош уриб бораманми, дея хабар олмадим. Бир куни тўсатдан онам оламдан ўтганлиги ҳақидаги хабар келди. Шу заҳоти пул, майда-чуйда нарсалар билан тўлиб-тошиб бордим. Ҳеч ким менга «келдингми», демади. Ҳатто олиб борган нарсаларимни ҳам қайтариб юборишди. Уша куни бир алпозда уйимга қайтдим. Араз қилиб онамнинг кейинги маъракаларига бормадим. Орадан бир ой ўтгач, дардга чалиндим. Қўл-оёқларим қалтирайдиган бўлиб қолди. Нашга, на савдо-сотиққа ярайдиган бўлдим. Фақат, «Онам қарғаган мени», деган ўй ҳеч тинчлик бермасди. Онамдан айрилганимга ҳам мана беш йил бўлди. Аммо биронта жигарим меникига келиб кетмайди.

Онамнинг қабрини тез-тез зиёрат қилиб келаман, улардан бош уриб кечирим сўрайман. Қанийди, онам мени эшитиб, кечирсалар!

Мана, тижорат ишларим ҳам тугади. Бир ўзим ютаман дейдиган ҳашаматли уйда тонг отгандан кун ботгунича ўтираман. Онамнинг мени эркалаганлари, меҳрибонликлари бирма-бир кўз олдимдан ўтиб туради. Тириклигида қадрига етмадим, ўлганларидан кейин кўзим очилди, энди фойдаси йўқ,— дея Обида опа сўзини тугатар экан, бир аҳволда хонадан чиқиб кетди...

Баҳора АКРАМОВА.

● СОДДАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

ФИДО БЎЛМАГАН ТРАКТОР

Бир яхшига — бир ёмон, деганларича бор экан! Бўлмаса соддагина Жўра тракторчига шаддод Ойимхол янга қаёқдан тегарди...

Жўра аканинг соддалиги доим бошига бало орттириб юради. Ойимхол янгага ун-аштирилгандан кейин учрашувга бориб, бўлажак келинни қўшнининг чорбоғи орқали чақираман деб итларга таланган. Кейинги сафар эса учрашув жойини кўздан панароқ, дея молхонага белгилабди. Ҳазилкаш дўстлари, «келинга атаб шеър ёзишинг керак, агар ўзингни қўлингдан келмаса, назрини берсанг, биз ёзиб берамиз» деган гапига чиппа-чин ишониб, ўн-ўн беш кишилик зиёфатга тушгани ҳам рост. Шеър ҳам алламбало чиққан.

Сенга фидо тракторим,
Холларингдан, Ойимхол.
Кўчангдаги қари-қартанг,
Чолларингдан, Ойимхол
Тунлари бирга чиқай,
Кир ювсанг, ўзим сиқай...

Хуллас, роса антиқа мисралар пайдо бўлгач, зиёфат ниҳоясида тантана билан Жўра акага топширилади. Дўстларининг ўргатганларидек, Жўра ака ҳам шеърни «ўзим ёздим» деб никоҳ кечаси хотинига ўқиб берибди. Гарчи, бу оилавий сир, ҳеч ким кўрмасин, деб тайинланган бўлса-да, Жўра аканинг улфатлари ушбу бағишловни аллақачон ёдлаб улгуришган экан. Айримлари ҳали-ҳануз Жўра акани кўриб қолгудай бўлса, «тракторингдан, Жўравой», деб чақиришади.

Ҳали айтиб ўтганимиздек, Жўра аканинг жуфти халоли роса шаддод, ишига пухта аёл. Тўйдан кейин аввалларги уст-боши кир-чир юрадиган эрини қўғирчоқдек қилиб қўядиган бўлди. Аммо акамиз топ-тоза уст-бошини кўпинча қорамойга теккизиб олаверарди. Тракторчи-да, нима қилсин! Бир воқеа бўлмаганида, янга бир умр кир ювиб ўтармиди?

Ойимхол янганинг шаддодлиги билан бирга ўлгудек рашкчилигини билган бригада аъзолари бир ҳазил қилмоқчи бўлишибди. Жўравой ака билан бирга ишлайдиган дўсти Алимардон пахта йиғим-терими бошланган кунларнинг бирида қаердандир лаббўёқ топибди-ю, билдирмайгина содда ошнасининг қўйлаги ёқаларига бир-икки теккизиб олибди. Бу ҳам камлик қилгандай аёллар ишлатадиган атирлардан бирини аввал ўзига сепиб, «кел, дўстим, мен зиқна эмасман. Сен ҳам сепиб ол», дея қўярда-қўймай унга ҳам пуркабди. Кечқурун эса Жўра аканинг маймунга қўшилиб нималар йиғлаганини тасаввур қилаверинг. Айниқса, ҳашарга чиққан талабалар орасида қизларнинг қўплиги Ойимхол янгани янаям кўпроқ ташвишлантирган эди. Шу-шу бўлди-ю, Жўра ака шеърда битилгандай тракторини хотинига «фидо» қилолмаса ҳам, трактордан воз кечди. Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деганларида адашмаган экан машойихлар. Ҳозир Ойимхол янганинг тракторчи эри тегирмон очган. Ҳадемай мой чиқарадиган жувоз очишни ҳам режалаштирмоқда. Ҳар ҳолда даромади аввалгидан кўра анча яхши. Бироқ соддалик ҳамон тарк этмаган. Шу боис тез-тез зиёфатга тушиб туради. Эрининг бу одатига ноилож шаддод янгамиз ҳам кўникди. «Ҳар қалай, тегирмонга қизлар келмайди-ку», дея ўзини овутиб қўяди Ойимхол янга.

Я. КОМИЛОВ.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Бу ҳафтада сиз муваффақиятга эришасиз, у кичик бўлса-да, бироқ сиз учун баъзи катта ютуқдан ҳам қадрли бўлади. Ўзингизни кўрсатиш учун кўп ишлашингизга тўғри келади. Дангасалик ҳисси ўзини кўрсатмоқчи бўлади, аммо сиз бунга йўл қўйманг. Куч-қувватингиз сезиларли ошади. Оилавий ишлар билан шуғулланишга тўғри келади.

БУЗОҚ. Характерингиздаги баъзи сифатларни тўғрилаш билан шуғулланишингиз мумкин. Муҳим учрашув ва музокараларни ҳафта ўртасига режалаштиринг, қанча фаол бўлсангиз, шунча катта муваффақиятга эришасиз. Ҳафта воқеалари зарур амалий тажрибалар орттиришингизга имкон яратади.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта воқеалари чуқур фикрлаш ва ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишни талаб этади. Сиз кўп нарсаларни ўзгартиришингиз, яхшилашингиз ва ўзлаштиришингизга тўғри келади. Бир қанча чигал муаммолар юзага келиши мумкин, аммо улар тез орада ҳал бўлади. Тақдир сизнинг пишиқ-пухталигингизни синовдан ўтказади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Бу ҳафтада сиз муҳим бир ғояни қўлдан чиқарманг — у сизнинг имкониятларингизни анча кенгайтиради. Агар қонундан ва низомлар талабларидан четга чиқмасангиз, ҳафта сиз учун жуда фаол ва самарали бўлади. Жума — ҳарбий жамоангизда муҳим янги ишларни бошлаш учун энг қулай кун бўлиши мумкин.

АРСЛОН. Бу ҳафтада яхши истиқболлар кўринмоқда, аммо бунинг учун қандайдир синовдан ўтишга тўғри келади. Атрофингиздаги ижодий ва қувноқ муҳит юзага келади. Сизнинг яхши кайфиятингиз қийин онларда кўпчиликка ёрдам беради. Қўйилган мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ишчанлик талаб этилади.

ПАРИЗОД. Сизни муҳим ишлар даври кутмоқда. Вазият бироз ўзгариши мумкин, аммо сиз ўзингиз ишонган одам билан суҳбатлашиб кўринг — балки у сизга энг содда ва тўғри йўлни кўрсатиши мумкин. Яхшиси, вақтингизнинг кўп қисмини кечиктириб бўлмас ишларни якунлашга сарф қилинг.

ТАРОЗУ. Бу ҳафтада сиз фаол ва тиниб-тинчимас бўласиз. Умумий ҳаётий қувватингиз ошади ва кайфиятингиз кўтарилади. Яқин дўстингиздан олинган маслаҳат қийин вазиятдан чиқиб кетишингизда ёрдам беради. Сизнинг муваффақиятингиз ташаббускорлик ва интилувчанлигингизга боғлиқ бўлади. Юзага келган муаммоларни қойилмақом уддалашга эришасиз.

ЧАЁН. Сиз учун яхши жамоа ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлади. Агар хизматдаги жамоангиз бундай бўлмаса, тинмай изланиш ва шундай жамоани яратишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Ҳасадгўйларнинг гапсўзларига эътибор берманг. Ўз манфаатларингизни ўзгалар ёрдамисиз ҳимоя қилишга тўғри келади.

ЎҚОТАР. Атрофдаги воқеаларга диққат билан эътибор беринг. Бундан ўзингиз учун фойдали хулосалар чиқариб оласиз. Бир маромдаги кундалик хизмат кутилмаганда лавозим бўйича кўтарилишга олиб келиши мумкин. Яқин келажак учун ишларни режалаштириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада сизга нуфузли танишлар ва ишончли дўстлар кўмаги керак бўлади. Касбий фаолиятда ташаббускорлик кўрсатинг, ютуқларингизни ўзгалар ўзлаштириб олишини кутиб ўтирманг. Четдан ишни ўзгартириш борасидаги қизиқарли таклиф бўлиши мумкин, аммо буни яхшилаб ўйлаб кўринг.

ҚОВҒА. Бу ҳафта сизга кўплаб янги таклифлар олиб келади. Ҳафта ўртасида бироз паришонхотир бўлиб, ўз вазифаларингизни ёддан чиқаришингиз мумкин. Диққат-эътиборингизни жамлашга ҳаракат қилинг. Сафдошлар ва дўстларга таянинг, улар янги ғоялар билан ёрдам беришади ҳамда сиз учун фойдали машғулот топишади.

БАЛИҚ. Турли ҳаётий жабҳаларда кўп нарсаларни тартибга келтириб олишингизга тўғри келади. Ўз куч-қувватингизни яратувчанликка сарф қилинг. Адолат учун фақат тинч воситалар билан курашишга рухсат этилади. Жумада сизнинг мақсад ва принципларингиз жиддий синовдан ўтиши мумкин.

Турфа олам

ФОЖЕАЛИ ОҚИБАТ

Ҳиндистонлик 40 яшар Ахайя Моханти «ноанъанавий» парҳез қурбони бўлди.

Ҳиндистонда нашр этиладиган газетанинг хабарича, у ҳар куни иккитадан пўлат мих истеъмол қилган. Жаноб Моханти ошқозони оғриётганини айтиб, шифокорларга мурожаат қилганидан сўнг унинг қорнидан 99 та мих топилган. Шифокорлар ҳарчанд уринишмасин, мижознинг ҳаётини сақлаб қола олишмаган.

Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза этиш идораси вакиллари унга бу парҳезни ким тавсия этганини аниқлаш билан шуғулланишмоқда.

14-ЛЕТНИЙ ФАЛЬШИВОМОНЕТЧИК

В Пригородном районе Нижнего Тагила задержан 14-летний фальшивомонетчик. Как сообщает пресс-служба ГУВД Свердловской области, в магазине «Хозтовары» при пересчете денег были обнаружены три фальшивые купюры достоинством 100 рублей каждая с одинаковыми номерами. В этот же день в магазине «Продукты» также при пересчете денег была обнаружена еще одна 100-рублевая банкнота с признаками подделки. Следователям удалось установить и задержать фальшивомонетчика, им оказался 14-летний ученик местной школы. В настоящий момент с задержанным работают органы следствия. По данному факту возбуждено уголовное дело.

ЎТКИР ҲИДЛИ ТУСИҚ

Сўнгги даврда шаҳардан ташқаридаги йўлларда автомобилларнинг ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашуви кўплаб содир бўлмоқда. Хайриятки, эндиликда бундай ҳалокатнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун ўзидан ўткир ҳид таратувчи «ярпоқлар» керак, холос. «Ярпоқ» пластмассадан тайёрланган бўлиб, у йўл четидаги дарахт шохларига боғлаб қўйилади. Ундан таралган махсус ҳид эса ёввойи ҳайвонларни катта йўлга йўлатмайди, яъни уларни ҳуркитади. Бу борада Мюнхен яқинида ўтказилган синов яхши натижа берди.

ПЕНТХАУС ЗА 70 МЛН.

Финансовый управляющий с Уолл-стрит Мартин Цвейг выставил на продажу свой пентхаус на 5-й авеню за 70 млн. долларов. Как пишет газета «Нью-Йорк Пост», это самая высокая цена за жилье на Манхэттене. В пентхаусе Цвейга, который занимает 41—43 этажи здания, содержится 16 комнат. Площадь составляет 11 тыс. квадратных метров. В распоряжении хозяина девять спальных и шесть ванных комнат, а также два душа. Кроме того, в пентхаусе имеются четыре террасы, шесть мест, оборудованных средствами пожаротушения, подогреваемые полы, а также приемная с 8-метровыми потолками. Ежемесячная квартирная плата обходится хозяину в 48 тыс. долларов.

(Интернет саҳифаларидан олинди).

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Милана Мирзаҳалилова эгнига ҳарбий либос кийиб, юрт ўғлонлари билан бир сафда Ватанни ҳимоя қилишга бел боғлаганлардан. Аниқроқ айтганда, у ҳам юрт посбони, ҳам саломатлик посбони.

Тиниб-тинчимас Милана ҳаётини ҳарбий соҳага боғлашдан олдин тиббиёт билим юртини тугаллаган. Эгнига ҳарбий либос кийгач, асл профессионал бўлишга қарор қилди. Шу боис Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида санинструкторлик мутахассислиги бўйича таҳсил олиб, соҳани мукаммал эгаллади. Унинг Қуролли Кучлар 13 йиллигига арзигулик туҳфалари бор.

Ярослав КОРУКА суратга олган.

● ТУҲФА

САЛОМ СЕВГИ

Салом севги, сенга
муҳаббат,
Деган гўзал туйғудан
салом.
Салом сенга малак
юзлардан,
Сенга шодон кулгудан
салом.
Потила соч, чўлпон
кўзлардан,
Сенга салом, эй
ўтли юрак.
Ҳайрати чўғ, эй
оташин қалб,
Сенга салом мендан
муборак.
Сарвиқомат
дилраболардан,
Салом сенга, жоним
муҳаббат.
Ўктам ўғлон юраги
билан,
Салом, такрор бир
сенга фақат.

***

Биз андак ҳаётни
тушуниб қолдик,
Ва андак балога етиб
ақлимиз.
Азалдан яшашнинг
маъносин билмай
Гаранг бўлар умр
деган нақлимиз.

Зокиржон ПАРДАЕВ,
талаба.

ДУНЁ УСТУНИ

Биласизми, асл жаҳолат,
Чиққан экан туннинг
қўйнидан.
Дунё кўрган меҳр-
мурувват,
Кучиб оппоқ кунниг
бўйнидан.
Инсонга у аста эгиб бош,
Юрагида қурган кошона.
Меҳр бўлган кўкдаги қуёш
Жаҳолат-чи, бир ўғай она.
Бири туннинг пардасин
тортиб,
Тутар инсон қўлига қилич.
Елкасига нафрат тош
ортиб,
Дейди: «Дўстнинг
қонларини ич,
Қурит тошқин дарё,
уммонни.
Шаҳарларни айлагин
вайрон,
Қурбон айла бегуноҳ
жонни.
Ғазабингдан тоғ бўлсин
талқон.
Етимларнинг силама
бошин.
Берма ошинг, хор бўлсин
қўшнинг.
Улуғ билма кексалар
ёшин,
Мен суймайман ҳеч кўнгли
бўшнинг».
Аммо туннинг куни бор
дерлар,
Оппоқ нурдан унар
муҳаббат.
Бир майизни қирқ бўлиб
ерлар,
Қалбларни забт этса
мурувват.
У бир митти бойчечак
бўлиб,
Зимистонни уйига ҳайдар.
Жилғаларда мавжланиб,
тўлиб,
Райҳонларнинг пойини
ўпар.
Лабга қўнса майин
табассум,
Ўрик гуллар ошиқ дилида.
Болаликдек у содда,
маъсум,
Куй бўлар у булбул
тилида.
Кўкда учар мисли кабутар,
Орзуларга бахш этиб
қанот.
Сармаст этар гулдек
муаттар,
Гўзалликка буркаб коинот.
У бўлмаса зил-замбил
юрак,
Қаддини тик тутолмас
инсон.
Бу ҳаётда яшаш не керак,
Ғоз юрмаса одам ҳеч
қачон.
Баъзан ярим кўнгил
тўлмаса,
Деймиз дунё беустун
айвон.
Иуқ, мурувват устун
бўлмаса,
Ерга қулаб тушарди
осмон.

Шаҳноза РАВШАНОВА.

ХАНДАЛАР

Афандининг эшаги йўқолиб қолибди. У кўчадан бир эшакни ўзимники деб тутиб келибди. Шунда одамлар ундан сўрашибди:

— Эшагинг ҳанги эдими ёки мода?

— Ҳанги.

— Ахир бу эшак модаку?

— Меники ҳам унчалик ҳанги эмасди, — дебди Афанди.

Донолар бисотидан

Пашша яра чаққан аъзогагина қўнганидек, аҳмоқ одам одамларнинг фақат камчилигини кўради.

***

Бир донишманд:

— Гапирмоқдан эшитмоқ маъқул, — дебди.

— Нима учун? — деб сўрашибди ундан.

Шунда донишманд:

— Бўлмаса худо битта тилу иккита қулоқ бермас эди-да, — дебди.

***

Чинни идишга чертиб жарангига қараб баҳолашганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо бериш мумкин.

***

Бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукаммал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир погона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермаган. Эндиликда истардимки, менинг шогирдларим, барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир погона паст одамларга мурожаат этишни ўзларига айб, деб билишмасин! Уларнинг билимлари ўшандагина мукаммал бўлади.

***

Китоблардаги фикрлар сенинг асосий маблағинг, калангдаги фикрлар эса ўша маблағнинг бир қисмидир.

***

Кимки мол-дунё кетидан ортиқча йиғишга уринса, бошқалар учун жон куйдираётган бўлади.

ЖАВОБЛАР ЗАНЖИР ВА КЕСИШГАН ҲОЛДА ЁЗИЛАДИ. 1. Мақсадда, маслакда мустаҳкам турадиган, оғишмас. 2. Қадимги юнон муаррихи Геродот асос солган фан. 3. Абдулҳамид Сулайман Чўлпон қаламига мансуб оташин шеър. 4. Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, барча учун адо этилиши мажбур бўлган расмий қоида. 5. Ўтмишда маълум ҳудуд бошқарувчисининг муовини. 6. Хориждан сотиш учун келтирилган товар учун давлат ҳисобига тўланадиган маблағ. 7. Қонунда қайд этилган тартибга хилоф хатти-ҳаракат. 8. Асосан Осиё қитъасида яшовчи халқ. 9. Инсоннинг етуклик даври. 10. Ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси. 11. Жануби-ғарбий Осиёда ва Тинч океанининг ғарбида бўлиб турувчи ҳалокатли шамол. 12. Сўз устаси. 13. Ont, содиқлик ҳақидаги қатъий ваъда. 14. Жиноятни тасдиқловчи асос. 15. Чин, ҳақиқатга зид бўрттирилган ёлғон. 16. «Қуръони карим»нинг энг биринчи сураси. 17. Амир Темур ҳикматидан: «Адоват эмас ... енгади». 18. Маълум бир мақсадга эришиш учун бўлган интилиш, истак. 19. Қонунлар мажмуаси.

МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб «Инсон садоқати» асари қаҳрамони — 12, 11, 13, 8.

2. Эгасининг шажан ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат—15, 3, 6, 15, 18, 8, 10.

3. Маҳалланинг барча қулайликлари мавжуд бўлган маскани — 5, 2, 17, 3, 8.

4. Халқимизнинг азалий урф-одат ва анъаналари мажмуи — 16, 3, 7, 8, 9, 4, 10.

5. Миқдорнинг йўқлигини ифодаловчи белги — 1, 18, 11, 14.

Шакл атрофидаги рақамларда қадимги Рим сиёсий арбоби, нотиқ ва файласуфи Марк Толий Цицерон ёзиб қолдирган ҳикмат яширинган. Уни юқоридаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ГАЗЕТАНИНГ 142-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Рихтер. 4. Аммиак. 7. Сари. 8. Шонр. 9. «Металлург». 13. Астон. 16. Завод. 17. Лигрони. 18. Никоҳ. 19. Кончи. 21. Содиқов. 22. Мўйна. 23. Қобул. 28. Ричардсон. 30. Курс. 31. Сарф. 32. Зумрад. 33. Саъдий.

БУЙИГА: 1. Рисола. 2. Хари. 3. Рорер. 4. Амири. 5. Иноқ. 6. Корунд. 10. Луара. 11. Котангенс. 12. Бадчинтон. 14. «Чинобод». 15. Пирогов. 20. Динор. 22. Марказ. 24. Лутфий. 25. Милод. 26. Конус. 27. Хром. 29. Панд.

Интернет—АҚШ ҳарбийларининг янги қуроли

АҚШ мудофаа вазирлиги ўз қуролли кучларининг техникавий имкониятларини кучайтирмоқда. Пентагон раҳбарияти янги ҳарбий интернет тармоғини яратишни режалаштираётир. Мутахассисларнинг фикрича, жанговар ҳаракатлар вақтида қўшинларни тезкор разведка маълумотлари билан таъминлашда бу жуда қўл келади.

Бугунги кунда қуролли кучлар мунтазам армия каби бош штабга, авиация ва зирҳли техникага эга бўлмаган жангари тўдалар билан тўқнашишга тўғри келаётир. Шу боис бундай тўдаларга зарба беришда махсус ҳарбий тактика қўлланилиши зарур.

Пентагон мутахассислари ишлаб чиқадиган янги ахборот тармоғи рақиб қўшинларининг жойлашуви тўғрисида сунъий йўлдошлар суратга олган тасвирни кўчма компьютерларга етказади.

АҚШ мудофаа вазирлиги вакиллари интернет ҳарбий таълим соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшишига умид билдираётир. Бироқ уни қуролли кучлар ва разведка тизимига жорий этишда қатор мураккабликларга дуч келиниши мумкин.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● АРМРЕСТЛИНГ: ЧЕМПИОНАТ МИРА

Три «серебра» и четыре «бронзы»

Сильнейшие мастера рукоборья планеты приняли участие в чемпионате мира по армрестлингу, который проходил с 22 по 28 ноября в городе Дурбан (ЮАР). Семеро наших земляков были участниками этого высшего спортивного форума уходящего года. И четверо из них вернулись с наградами. Три «серебра» и четыре «бронзы» завоевали узбекистанцы.

В весовой категории до 60 кг Мирзахид Шарапов (правая рука) завоевал серебряную медаль, в весе до 63 кг Аваэбек Асадов в единоборстве как по правой руке, так и по левой руке удостоился бронзовой награды. Умиджон Ахмедов (до 75 кг) и Фарид Усманов (до 100 кг) стали серебряными (правая рука) и бронзовыми (левая рука) призерами.

Майор Хайритдин ЗАННИЛОВ,
мастер спорта.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 16330. Буюртма № 0375.